

А Ж Р И М

(Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2024 йил апрель ойининг 26 куни, жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи: туман судининг раиси А.Дадаханов,

М.Эргашеванинг котибалигида, тарафлардан Жалақудуқ туман ИИБ Пробация гуруҳи катта инспектори И.Ғуломов, маҳкум О.Жураевнинг иштирокида, маҳкум Жураев Отабек Абдураимовични Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномани кўриб чиқиб, қуйидагилар

а н и қ л а н д и:

Жураев Отабек Абдураимович, 1984 йил 25 февралда Жалақудуқ туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, оиласи билан ажрашган, 2 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, муқаддам судланган, “DRUJBA J-M SERVICE” МЧЖда ишчи, Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Бешкарам МФЙ, Бешкарам кўчаси, 290-уйда яшайди.

Маҳкум О.Жураевга муқаддам жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ туман судининг 2022 йил 10 январдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 60,61-моддаларини қўллаб, 3 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилиб, 2023 йил 7 июль куни жиноят ишлари бўйича Пискент туман суди томонидан ЖКнинг 74-моддасини қўллаб, ўталмай қолган 1 йил 6 ой 7 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосини шу муддатга хар ойлик иш ҳаққининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шarti билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисми ҳақиқатдан ўтаб бўлганидан кейин жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28-сонли Қарорининг 1-бандида, жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштиришга оид қонун талабларини аниқ ва оғишмай бажариш маҳкумларни қайта тарбиялаш, такроран жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ҳамда инсонпарварлик каби жиноят-ҳуқуқий принципни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши ҳақида тушунтириш берилган.



Суд тақдимномани тўпланган ҳужжатлар билан биргаликда ўрганиб чиқиб, Жалақудуқ туман ИИБ Пробаця гуруҳи катта инспектори И.Ғуломов, маҳкум О.Жураевнинг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, маҳкум О.Жураев ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ даврида, шу жазо тури учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлиги ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги ҳамда жазо муддатининг бошланиши 2023 йил 2 август бўлиб, жазонинг 8 ой 23 кунини амалда ўтаганлиги, ўталмай қолган қисми эса 9 ой 14 кунини ташкил қилиб, унча оғир бўлмаган жиноятлар таснифига кирганлиги сабабли суд тайинланган жазо муддатининг учдан бир қисмидан кўпроғини ҳақиқатда ўтаганлигини инобатга олиб, тақдимномани қаноатлантиришни, маҳкум О.Жураевни Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 532, 536, 541-542-моддаларига асосан, суд

а ж р и м қ и л д и :

Жалақудуқ туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Жураев Отабек Абдураимович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган 9 ой 14 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Ажрим ижроси Жалақудуқ туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

О.Жураевга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, унга нисбатан Жиноят Кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон шу суд орқали Андижон вилоят судига кассация тартибда хусусий шикоят, прокурор эса хусусий протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:

А.Дадаханов

